*• Хотира •*

# ТАСАЛЛИ



Ҳаёт тасодифларга тўла. Тақдир билан тасодиф доимо бирга юради деб бежиз айтишмаган. Даъфатан бир воқеа содир бўладию тинч оқаётган кунлар ўзанини бошқа ёққа буриб юборади. Кутилмаган бу ҳодиса аста-секин умр лаҳзаларига, сўнгра ХОТИРАга айланиб, абадий ўзингиз билан қолиб кетади.

Мен Ғафур отани кўрмаганман. Унда-бунда эшитганман. Бирор нарса ёзиш илинжида у киши узоқ йиллар ишлаган республика радиоэшиттириш ва овоз ёзиб олиш уйида бўлганимдан сўнг тасаввурим ўзгариб кетди. Ғафур отани одатдаги одамлардан фарқли томонлари кўп бўлган экан. Яна ким билади? Беайб парвардигор! Биз кўпинча ўтганларни яхшилик билан эслаймиз. Балки шунинг учун отахонни алқаб гапиришаётгандир деб ўйладим. Адашган эканман. Корхона жамоаси хотираларини ёзиб олар эканман, кўз ўнгимда қатъиятли, одамшаванда, болажон ва ўз касбининг устаси бўлган бир инсон гавдаланди.

* * *

Ўзбекистон радиоэшиттириш ва овоз ёзиб олиш уйи архивида сақланаётган Ғафур Раҳимовнинг шахсий ҳужжатлари орасида ғоятда қисқа таржимаи ҳол бор. Сермазмун ва бетакрор умр лаҳзалари жо бўлган бу ҳужжат бир инсоннинг иш фаолиятидан огоҳлик беради.

**«Мен Ғафур Раҳимов 1919 йил 18 декабрда Тошкент шаҳрида камбағал деҳқон оиласида туғилганман. Отам — Бобожонов Раҳим 1930 йилга қадар деҳқончилик билан шуғулланган. Онам Бобожонова Қутби — уй бекаси.**

**Ота-онам 1965 йили вафот этишган.**

**1930 йилда Тошкентдаги 145-мактабга ўқишга бордим. Ўз иш фаолиятимни 1937 йили шу мактабда электромонтёрликдан бошладим. 1940 йили мактабни тугатиб, Ўрта Осиё саноат институтига ўқишга кирдим.**

**1941 йил Совет Армияси сафига чақирилдим. Уруш охиригача фронтда бўлдим.**

**1943 йилнинг апрелида Курск учун кетаётган жанг палласи КПСС аъзолигига қабул қилиндим.**

**1944 йили алоқа взводи командири этиб тайинландим.**

**1946 йили юртга қайтдим. Ўз ишимни давом эттириб, 1950 йилга қадар шаҳардаги болалар юқумли хасталиги касалхонасида ва 21-мактабда электромонтёр бўлиб ишладим.**

**1951 йили «Ватан» кинотеатрида киномеханик бўлдим. 1951 йил апрелдан 1952 йил июлигача Ҳамза театри радиоузелида ишладим.**

**1953 йили ЎзССР Маданият вазирлигининг Бош радиоахборот бошқармасида овоз ёзиб олиш бўйича катта оператор лавозимига ишга ўтдим. 1953 йилнинг ноябрида овоз ёзиш муҳандиси этиб тайинландим.**

**1956 йил ноябридан 1957 йил октябрига қадар техник бўлим бошлиғи бўлиб ишладим. 1957 йил катта муҳандис, 1959 йили эса бош муҳандис даражасини олдим.**

**1967 йил июнидан 1973 йил январигача ЎзССР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат қўмитасининг радиоэшиттириш ва овоз ёзиб олиш уйига директор этиб тайинландим.**

**1973 йили Тошкент электротехника алоқаси олийгоҳини сиртдан битирдим.**

**Тошкент Радио уйи ва телемаркази қўшилгач, 1973 йилдан радиотелемарказнинг бош муҳандиси бўлиб ишладим. 1977 йил декабридан ҳозирга қадар жумҳурият радиоэшиттириш ва овоз ёзиб олиш уйи директори лавозимида ишлаб келаяпман. «Фахрий радиочи», «ЎзССР-да хизмат кўрсатган алоқачи» нишонлари, «Аълочи» кўрсаткичи ва бошқа фахрий ёрлиқ ва нишонлар соҳибиман».**

* * *

«Тақдир — феъл-атвор меваси». Бу шунчаки жозибали жумла эмас. Бу ҳарфлар қатида кўплар англаб етмаган ғоятда беназир мазмун яширинган. Неча-неча йиллар юкини ортмоқлаб, толиқиб, ниҳоят бир уюм тупроқ остида абадий хаёлга чўмган инсон бу сўзларнинг нечоғлик ҳаётийлиги ва ҳақиқатга яқинлиги ҳақида ўй сурса не ажаб.

Ўзбекистон радиоэшиттириш ва овоз ёзиб олиш уйи жамоаси Ғафур отанинг табиатан одамшаванда ва эзгу инсон эканлигини кўп гапиришади. Даъфатан тўпланиб қолишса ёки шунчаки йиғилишларда марҳум устозлари ҳақида албатта «Ғафур ака қандай одам эдилар-а!» деган гап айтилади. Бу гаплар шунчаки йўлига эмас, балки чин дилдан айтилгани фахр ва ифтихор тўла диллар, зориққан кўзлардан шундоққина билиниб туради. Ахир шундай аҳил жамоа бошини қовуштирган, умрини шу касбга бағишлаб, билганини шогирдларига ўргатиб кетган Ғафур ота эмасмиди! Ёмонлик, бадфеъллик тезда унутилиб кетар экан, яхшилик унутилмас экан. Эзгуликнинг чеки-чегараси йўқ экан.

Бир донишманд айтганидек, мангуликдан бошланган вақт абадиятга томон эврилиб кетаверди. Лекин вақтга бўйсунмас эзгулик қолди. Ғафур отанинг кўнглидан бошланган яхшилик бошқа дилларда давом этди. Бугун у гаплар фақат хотирага айланган. Энди сўзлаш керак... Не бахтки, шундан бир одамнинг руҳи ёруғлик топса. Энди эслаш керак. Не тонгки... бундан ўзимиз ҳам фароғат топсак.

**Аъзамжон Расулов,**
**республика радиоэшиттириш ва овоз ёзиб олиш уйи бош директори:**

— Радиоэшиттириш ва телемарказ бирлашгач, Ғафур ака бизга бош муҳандис этиб тайинландилар. 1974-75 йиллар эди чамамда. Кўп йиллар бирга ишладик. Ғафур ака муомалада, инсоний муносабатларда зиёли одам эдилар. Сира кибрланмас, доимо вазмин, сокин ҳолатда юрар эдилар. Яна бир эътиборга молик хислатлари — инсон қалбини яхши тушунардилар. Сиз билан кўп эмас, икки оғиз суҳбатлашсалар қанақанги одам эканлигингизни айтиб берардилар. Бу эса ходимларни танлашда, ишга йўналтиришга жуда қўл келарди.

Ҳақиқий инсондан яхши ном, оқил фарзанд қолади, дейишади. Ғафур ака ҳар иккисига ҳам мушарраф бўлган бахтиёр ота эдилар. У кишидан икки фарзанд қолди. Ўғиллари ҳам ота касбини танлаб, алоқачи бўлишди.

Биласизми, Ғафур акага ўхшаган одамлар ҳаётда кам учрайди. У киши очиқ кўнгил, самимий, дардкаш эдилар. Ҳамма билан бир хил муомала-мулоқотда бўлар, лавозимингиз, мартабангиз унчалик муҳим эмасди. Энг муҳими — сиз ҳам барчага ўхшаш одамсиз. Одам бўлганингиз учун ёнингиздаги одамни қадрланг, ҳурматин жойига қўйинг, кўнглини оғритманг, шунда у ҳам сизнинг қадрингизга етади, дегувчи эдилар.

Ғафур аканинг яна бир хислати — оилада ва ишхонада ўз ўринлари бор эди. Шу боис фарзандларини яхши тарбияладилар, кўпчилигимизга устоз сифатида иш ўргатдилар. Деярли барчамиз у кишининг шогирдларимиз.

Радио уйининг ҳозирги янги биноси Ғафур ака иштирокида қурилган. У пайтлар буйруқбозлик, қоғозбозлик жудаям кучайиб кетган палла эди. Раҳбарлар билан тортишиш, бирор масалада келишиб иш кўриш ғоятда оғир бўлган. Шундай фурсатларда Ғафур ака оғриб, ётиб қолган пайтлари кўп бўлган. Доим халқ учун яшадилар. Қандай бўлмасин одамлар радиони эшитиб, дам олсин, янгиликлардан хабардор бўлсин, деган гапларни кўп айтардилар.

Афсуски, Ғафур ака ўғиллари ва шогирдлари камолини кўра олмадилар. У кишини иш, ташвиш ва мустабид тузумнинг номақбул, ғайриинсоний машмашалари орамиздан бевақт олиб кетди. Биз ўз устозимизни доимо дилимизда фахр ва ифтихор туйғуси билан эслаймиз.

**Турғун Мирзаев,**
**электр таъминот коргоҳи бошлиғи:**

— Ғафур ака ажойиб, қаттиққўл одам эдилар. Бирор хатога йўл қўйсак уришардилар, кейин яна ўзлари кечирим сўрардилар. Доимо Радио уйи ташвиши билан яшадилар. Кези келганда тунлари ишхонада қолиб кетардилар. «Доимо радио айтиб турсин» дегувчи эдилар раҳматлик. Раҳбар бўлсаларда оддий муносабатларни унутмасдилар. Уруш ҳақидаги хотираларини гапириб берардилар.

Бир куни биқиним оғриганини эслайман. Боиси оёқ терлашидан экан. Буни Ғафур ака эшитгач, йўқлатиб, дока олдириб келдилар. Ўзлари боғлаб қўйиб, ҳар икки-уч кунда алмаштириб туришни маслаҳат бердилар.

У киши тўғри сўз одам эдилар. Айбингиз бўлса аяб ўтирмай очиқ-ойдин юзингизга айтардилар. Ғафур ака аломат, топилмас одам эканликларини энди-энди ҳис қиляпмиз.

**Ҳотам Ҳакимов,**
**ахборот ҳисобот хизмати бошлиғи:**

— Мен ишга келганимда Ғафур ака бош муҳандис эдилар. Анча вақт қўлларида ишладим. Аввал шогирдлари бўлган бўлсам, кейин бошлиқлари бўлдим. Муаммоларни биргаликда ҳал қилардик. Ғафур ака кадрлар билан ишлашда ва муомалада тенгсиз одам эдилар. У киши жамоа бўлиб ишлашни ёқтирардилар. Ҳар икки кунда учрашиб, кўнгил сўрашиб турардик, кези келганда ўтириб, ошхўрлик қилардик.

Яхшидан яхши ном қоларкан. Ғафур акани доимо яхшилик билан эслаймиз.

**Маҳмуд Муҳиддинов,**
**қурилма ва иншоотлар коргоҳининг бошлиғи:**

— 1959 йили ўқишни тугатгач, йўлланма билан шаҳарлараро телефон станциясига ишга келдим. Икки йил шу ерда тажриба ўргангач, Радио уйига ишга ўтдим. Ғафур ака бош муҳандис эдилар. Узоқ вақт бирга ишладик.

У киши қувликни, ёмонликни билмасдилар. Билганлари иш ва инсоннинг кўнглини овлаш, лозим бўлса уни тарбилаш эди. Орамизда иш юзасидан ҳеч қачон гина-кудурат бўлмасди. Шу сабаб ҳамма ишларни чин дилдан бажарардик.

Ғафур аканинг берган сабоқлари, кўрсатган йўллари доим ёдимда.

**Ирисой Нишонбоева,**
**Радиоэшиттириш ва овоз ёзиб олиш уйининг собиқ бош муҳандиси:**

— 1952 йили Тошкент электротехника алоқа олийгоҳини тугатгач, Ғафур акага учрашдим. У киши бироз суҳбатлашиб, ўзаро маслаҳатлашгач, «Эртадан ишга келаверинг», дедилар. Шундай қилиб у киши билан 1984 йилга қадар бирга ишладик.

Ғафур ака одатдаги раҳбарларга сира ўхшамасдилар. Бисотимда у киши ҳақида ёрқин таассуротлар қолган, холос. Лавозимига қарамай, ҳамма билан бир хил оҳангда сўрашардилар. У киши учун оиладаги хотиржамлик ҳамма нарсадан муҳим эди. Бошқаларга ҳам оилада соғлом муҳит яратиб олишни маслаҳат берардилар. «Бу иш, ташвиш сира тугамайди. Боринг, онангиз, қариндошларингиз аҳволидан хабар олиб келинг», деб кўп марта айтганлар. Жуда бағри кенг, иш деса ўзини аямайдиган одамлар хилидан эдилар.

1984 йил эди. Ғафур акани нафақага чиқарамиз деб ишдан бўшатиб юборишди. Бундан кўнгиллари қаттиқ оғриди. Узоқ вақт ниманидир йўқотгандай бўлиб юрдилар. Аммо ҳеч кимга қалбларидаги оғриқни билдирмадилар.

Бугун Ғафур ака ҳаётда йўқ, аммо порлоқ сиймоси, хотирамизда доимо сақланиб қолади.

**Сабиҳа Миролимова,**
**радио уйининг катта устаси:**

— Мен Ғафур ака хонадонларига келин бўлиб тушганман. У кишининг укалари менинг турмуш ўртоғим. Ҳаётда ва ишда кўп нарсани у кишидан ўргандим. Отам ўрнига ота, ғамхўр устоз бўлдилар. Ғафур отадан фақат яхши хотиралар қолган. Доимо насиҳат билан тўғри маслаҳат берардилар. Ҳаётда жуда кўп одамларни кўрдим, гаплашдим. Баъзиларнинг гапини эртаси куни эсингдан чиқариб қўясан киши. У кишининг сўзлари сира ёдимдан чиқмайди.

Ғафур акада иззатталаблик, манманлик йўқ эди. Доимо бирор иш билан банд эдилар. Радио уйи атрофидаги тokларни шу киши ўстирганлар. Хомток қилишни, лимон ўстиришни, барчасини қойилмақом қилиб бажарардилар. Баъзида овсиним Азиза опанинг жаҳллари чиқарди. «Нима, ишдан бошқа ташвишингиз йўқми? Сиз ҳам бундай оилага қаранг», деб норози бўлардилар.

Ҳар хил одамлар бўларкан. Ўзингдан яхши ном қолдириш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ишхонада тўпланиб қолсак Ғафур акани эслаймиз. Назаримда у киши ўлмагандай. Худди орамизда юргандай... Ғафур ака билан ўтган кунларимизни соғинамиз. Қани эди у кунлар яна қайтиб келса. Қани эди ҳамма Ғафур акага ўхшаса! «Доим дилингизга қулоқ солинг! Сизга биров маслаҳат берсин, бошқалардан сўранг, фақат ўзингизни унутиб қўйманг» дейишни яхши кўрардилар раҳматлик.

**Сайёра Қодирова,**
**кадрлар бўлими бошлиғи:**

— Ғафур аканинг қўлида жудаям ёшлигимдан иш бошладим. Кўп нарсани ўргандим. У кишининг қизлари йўқ эди, мени қизим дер эдилар. Ғафур ака кўзлари ўнгида улғайдим. Ишни машинистканликдан бошлаганман. У киши қаттиққўл, талабчан устоз, меҳрибон ота эдилар.

(Давоми 3-бетда)

# Афандининг хуржуни



*Виктор ВЕРИЖНИКОВ*

## РАШКИ ЙЎҚ ХОТИН...

Сарабумов аёллар билан танишишни хуш кўради.

— Танишиш яхшида,— дерди Сарабумов хотинига. — Ўша аёлнинг бу дунёда борлиги эрталаб хаёлингга ҳам келмайди, кечқурун бўлса!..

— Шундайликка шундайку-я, — деди хотин хўрсиниб, — яна кимни бошлаб келдинг?

— Бу Варя, Варвара,— деб тушунтирди у кўчадан бошлаб кирган ёшгина аёлнинг мўйнали пўстинини ечишга кўмаклашар экан. — Нега бошлаб келганлигимни эса сенга айтганман, танишиш учун, албатта.

— Ахир уйлангансан, оиланг бор!— деди хотин норози оҳангда бош чайқаб.

— Варвара ҳам турмушга чиққан. Фақат турмуш ўртоғи командировкада, Сахалинскка кетган.

— Ҳаммаси мана шу командировкадан бошланади! — хотин қўл силтаб, ошхонага кириб кетди.

— Хотиним рашкчи эмас, — деди Сарабумов Варварага, — ҳамма қатори камчиликлардан холи бўлмасада, рашкчи эмас, шуни тан оламан.

У аёлни хонага бошлаб кириб, столга ўтқазди, ўзи унинг қаршисига ўтиб ўтирди.

— Хўш. Демак, Синицина Варварасиз... Отангизнинг исмлари бўйича қандай чақирамиз?

— Тустағиповна.

— Демак, Варвара Тустағиповна,— деб мамнун такрорлади Сарабумов.— Котиба бўлиб ишлайсиз... Ишқилиб, ишхонада нохушликлар йўқми?

— Умуман айтганда, йўқ... Фақат бошлиқ «ё»нинг нуқтасиз ёзилганини ёқтирмайди.

— Қанақа «ё»? Қанақа нуқта?

— Рўзномаларда «ё»ни нуқтасиз ёзишади. Бошлиқ уни ёқтирмайди. Шунинг учун ҳам ҳамма рўзномаларни бошлиғимиздан аввал ўқиб, нуқталарни қўйиб чиқаман.

Шу пайт хонага қўлида чойнак ва тешик кулча кўтарган хотин кириб келди.

— Варенька, тортинманг, — деди хотин пиёлаларга чой қуйиб, ўзи ҳам эрининг ёнига ўтирар экан.— Семён яхши одам. Яқинда ишхонасидан мукофот пули олиб келди...

— Эрингиз билан муносабатингиз қандай?— деб сўраб қолди Сарабумов Варварадан.

— Сахалинскка кетганига тўрт ой бўлди...

— Шунча узоқ кетадими?— деб бош чайқади хотини тешик кулчани синдирар экан.

— Ҳар замонда бир хат жўнатиб туради, — гапида давом этди Варвара.—Кам ёзиши тушунарли, хат ёзишга нўноқ. Хат ёзмаса ҳам пул жўнатиб турса бўларди!

Улар анча вақтгача суҳбатлашиб ўтиришди.

— Ҳай майли, ортиқ вақтингизни олмайман,— Варвара Тустағиповна,— деди ниҳоят Сарабумов ўрнидан туриб. Варвара ҳайрат билан унга тикилди.

— Қайси маънода?

— Мен сизни уйга яқиндан танишиш учун таклиф қилувдим. Мана, танишиб ҳам олдик.

— Атиги шуми?!

— Унга маркали альбомингни кўрсат, — деди хотини.— Биласизми, Варенька, эримнинг маркаси жуда кўп...

— Марканинг нима дахли бор?— деди Варвара унга ўқрайганча. — Мен марка кўрмабманми?

— Унда нима истайсиз? деди Сарабумов.—Мен уйланганман, сиз турмушга чиққансиз. Эрингиз бир кун қайтиб келар.

— Албатта келади, Варенька,— эрининг гапини тасдиқлади хотини.— Мана кўрасиз.

— Сурбет!— деб қичқирди Варвара ва апил-тапил пўстинини илгакдан юлқиб олиб, ташқарига отилди.

— Намунча шошилмасангиз?—деди хотини унинг орқасидан.— Эрим билан Тамбовга борганда тушган суратларни кўрсатардим, кейин Семён кларнет чалиб берарди...

Лекин эшик унинг юзига тарақлаб ёпилди.

— Бу ҳисоб бўйича нечанчиси?— сўрайди хотин бир зумлик сукунатдан сўнг.

— 256-нчи,— деди Сарабумов. Сўнг мамнунлик билан қўшиб қўйди.— Мени рашк қилмаслигинг қандай яхши, хотинжон!

Русчадан
**М. ИСЛОМҚУЛОВ**
таржимаси.

## КЕЛИНГ БИР КУЛИШАЙЛИК

**— Нега энди туфлининг уч ўлчов кичигини киясан?**

**— Биласанми, хотиним кўримсизгина, ношудроқ бир нарса, овқатни ҳам маза-матрасиз тайёрлайди. Ўғлимнинг ўқиши ўлда-жўлда мактабни битиришига кўзим етмайди. Қайнонам эса тинмай жавраганижавраган. Кўряпсанки, ҳаётда якка-ёлғиз қувончим— кечқурун туфлимни ечадиган лаҳзадир.**

* * *

**Универсал магазинида шундай эълон осиғлиқ эди: «Шикоятлар 18 қаватда қабул қилинади. Лифт ишламайди. Марҳамат қилиб зинапоялардан фойдаланинг!»**

* * *

**Эр:**

**— Сотиб олган кўйлагинг менга лойиқ келмади. Кийиб юрганимдан икки ҳисса катта экан.**

**Хотин:**

**— Биламан. Аммо сотувчининг қанақа нусха билан турмуш қурганимни билишини истамадим.**

* * *

**Официантдан энг катта орзуси ҳақида сўрашганда у шундай жавоб берибди:**

**— Мижозлар уйида овқатланса-ю чойпулини почта орқали юборишса...**

* * *

**— Бу дунёда ҳамма нарса нисбий экан-да.**

**— Бундай хулосага келишингнинг сабаби нимада?**

**— Хотиним билмайдиган минг сўм мен учун у биладиган ўн мингдан кўра қимматлироқдир.**

* * *

**Бир муаллим ҳамкасбига ҳасрат қиларди:**

**— Менга ғирт саводсиз бир синф тушган. Уларга теоремани тушунтираман — тушунишмайди. Иккинчи марта уринаман — барибир тушунишмайди. Учинчи марта тушунтиришда ҳатто ўзим ҳам тушунаман, аммо улар барибир тушунишмайди.**

## ХАНДАЛАР

Дам олиш куни бошлиқнинг онаси вафот этибди деган гап тарқалди. Унинг қўл остида ишлайдиганлардан бири тонгда кўнгил сўрашга отланди. Йўлда ҳамкасбини учратиб, ундан онаси эмас, ўзи вафот этганини эшитибоқ, изига қайтди.

— Қаёққа? — деди ҳамкасби ҳайратланиб.— Ахир сен жанозага кетаётувдинг-ку!

— Бориб нима ҳам қилдим,— деди ходим.— Онаси вафот этса, бошлиқнинг кўзига тушиб, унга ҳамдардлик билдириб қўяй девдим. Бошлиқнинг ўзи йўқ бўлса, кимга ҳам ҳамдардлик билдирардим?

* * *

Тунда дарвоза қаттиқ тақиллади.

— Ким у?— деди уй эгаси.

— Сизларга дарвоза керакми?— деди кимдир.

— Йўқ.

Эрталаб уй эгаси ҳовлига чиқиб қараса, дарвоза ошиқ-мошиғи билан йўқ эмиш.

* * *

Фермер кечқурун хотинидан сўради:

— Хотин, сигирларни соғдингми?

— Соғдим.

— Отларга ем бердингми?

— Бердим.

— Молларнинг эртанги еми тайёрми?

— Тайёр.

— Бозорга олиб тушадиган товуқ, хўрозлар ажратилдими?

— Ажратилди.

— Машинанинг ёғини алмаштирдингми?

— Алмаштириб, ювиб қўйдим.

— Унда овқатни сузақол, шунча ишдан кейин одам жуда чарчар экан, онаси!

* * *

Ярим кечгача давом этган зиёфатда уй бекаси меҳмон хонандадан яна бир жуфт қўшиқ айтишни илтимос қилиб қолди.

— Жоним билан-у,—деди хонанда,— лекин бемаҳал бўлиб қолди, қўшниларни безовта қилиб қўймасмиканмиз?

— Безовтаси йўқ!— деди уй бекаси қўл силтаб, — қўшниларимнинг ити тун демай, кун демай акиллаб бизни безовта қилсаям индамаймиз. Улар ҳам бир марта чидашсин!



Сўзсиз сурат...

Мусаввир И. ҚОСИМОВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Мирпўлат МИРЗО
Тоҳир РАҲИМОВ
Ислом УСМОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИЕВ
Бобохон ШАРИПОВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ
Воҳид АЪЗАМОВ
Билол АМИНОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол ҚАМОЛ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.

ТЕЛЕФОНИМИЗ: 32-36-42, 32-35-29, 44-29-09.

ИНДЕКС: 64600

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳаррирятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш № 000011.
Буюртма № Г—457.
27090 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маҳкамасининг Ишлар Бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6